

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК:36:336(575.1)**

**ҚАРШИЕВ ОТАБЕК АБДУЛЛАЕВИЧ**


**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯСИНИ САМАРАЛИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Ихтисослик: 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
иқтисодиёт фанлари номзоди,  
доцент Ишонқулов Низамжон  
Файзуллаевич**

Тошкент – 2022



## МУНДАРИЖА:

### КИРИШ

<b>1-БОБ</b>	<b>Суғурта компаниялари молиясини ташкил этишнинг илмий-назарий ва концептуал асослари.....</b>	<b>12</b>
1.1	Суғурта компаниялари бизнес моделида молиявий бошқарувни ташкил қилишнинг илмий-назарий асослари ва функциялари.....	12-24
1.2.	Замонавий шароитларда суғурта компаниялари молиясини ташкил қилишнинг мақсади, вазифалари ва принциплари.	24-39
1.3.	Суғурта компаниялари молиявий ресурсларини шаклланиш манбалари хусусиятлари.....	39-52
<b>I</b>	<b>боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>52</b>
<b>2-БОБ</b>	<b>Суғурта компаниялари молиясини самарали ташкил этиш амалиётининг амалдаги ҳолати таҳлили.....</b>	<b>53</b>
2.1.	Суғурта компанияларида капиталлар таркибини оптимал ташкил этиш амалиёти таҳлили.....	53-61
2.2.	Суғурта компаниялари активлар таркиби ва жорий активлари самарадорлигининг таҳлили.....	61-81
2.3.	Суғурта компаниялари молиявий натижаларини шаклланиши ва уни тақсимланиш тизимини самарали ташкил этиш амалиётининг таҳлили.....	81-97
<b>II</b>	<b>боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>97</b>
<b>3-БОБ</b>	<b>Суғурта компанияларида бизнес-жараёнлар инжиниринги ва реинжиниринги молиявий фаолиятни инновацион усули сифатида .....</b>	<b>99</b>
3.1	Бизнес-жараёнлар реинжиниринги ва суғурта маҳсулотлари инжиниринги - суғурта компанияларида молиявий фаолиятни ташкил қилишнинг инновацион усули сифатида.....	99-113
3.2.	Суғурта компанияларида молиявий оқимларни бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари.....	113-130
3.3.	Суғурта компаниялари молиясини самарали ташкил этиш орқали улар фаолиятини барқарор ривожлантириш йўллари.....	130-145
<b>III</b>	<b>боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>146</b>
	<b>Хулоса .....</b>	<b>146</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>149</b>

## Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юқори иқтисодий салоҳиятга эга молиявий тараққиётнинг замонавий тенденциялари мамлакат молия тизимида капиталнинг ҳаракатланиши, инвестицион лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, компанияларнинг молиявий муносабатларини самарали ташкил этишда замонавий молиявий механизмларни жорий этишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Дунё бозорида суғурта мукофотлари мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги кўрсаткичларида юқори салмоққа эга бўлиб ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача “10-11 фоиздан кўпроги суғурта компаниялари томонидан суғурта мукофотлари сифатида яратилади”<sup>1</sup>. Мазкур тенденция суғурта компаниялари фаолиятининг барқарор ривожланишидаги роли нечоғли юқори эканлиги, бу борадаги илмий изланишларни ривожлантириш заруратини кўрсатмоқда.

Жаҳонда суғурта компанияларининг молиявий фаолиятини самарали ташкил этиш борасида учта асосий йўналиш танлаб олинади: биринчиси, суғурта компаниялари йирик инвесторлар ва молия бозорининг дифференциаллашган тармоғи ҳисобланади; иккинчиси, суғурталовчилар банклар ва молия иснтитутларига интеграллашган молиявий муносабатларга киришиб боради; учинчиси, суғурта компаниялари ўз рискларини суғурталаш орқали корхоналар ва уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган диверсификация жараёнини доимий равишда амалга ошириб борадилар. Халқаро суғурта назоратчилари уюшмаси маълумотларига кўра, 2020 йилда суғурта активлари глобал молиявий активларнинг 12 фоизини ташкил этади<sup>2</sup>. Шу боисдан, молиянинг асосий функционал элементларидан бири компаниялар молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс баҳолаш диагностикасини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

<sup>1</sup> <https://stats.oecd.org/#>

<sup>2</sup> IAIS халқаро суғурта назоратчилари уюшмаси (<https://www.iaisweb.org>)